

The top section of the cover features a dark blue background with a faint, light-colored map of Uzbekistan. Overlaid on the map are several white, five-pointed stars of varying sizes, arranged in a slightly curved line from the top left towards the center. Below this graphic is a solid yellow horizontal band.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

UZBEK LAW REVIEW

ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

УЗБЕКИСТАНА

2015

№2

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Сайдилла Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

- Эргашев Восит Ёқубович – ю.ф.н., ТДЮУ Илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректори
- Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – ю.ф.д., доцент.
- Исламходжаев Хасан Суратович – ю.ф.д., доцент.
- Рахимов Фахри Хайдарович – ю.ф.д., профессор.
- Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., профессор.
- Имомов Нурилло Файзуллаевич – ю.ф.д., доцент.
- Эсанова Замира Нормуратовна – ю.ф.д., доцент.
- Шодманов Фурқат Юсупович – ю.ф.д., профессор.
- Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.
- Шамухамедова Замира Шаисламовна – ю.ф.д., доцент.
- Холмўминов Жуманазар Тоштемирович – ю.ф.д., профессор.
- Файзиёв Шухрат Хасанович – ю.ф.д., профессор.
- Абдурасулова Кумринисо ... – ю.ф.д., профессор.
- Зуфаров Рустам Ахмедович – ю.ф.д., профессор.
- Мухитдинов Фахриддин ... – ю.ф.д., профессор.
- Тошев Бобоқул Норқобилевич – ю.ф.д., профессор.
- Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович – ю.ф.н.

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш сўралади: Гулямов Сайдилла Саидахарович, Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович ТДЮУ, Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи кафедраси, Ёш олимлар кенгаши Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилпоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36 (1073)
"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.
Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатида киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сибсати ёки фикрини акс эттирмайди.
 2015 йилда нашр этилди.
 Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.
 Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университетига мурожаат этилади.
 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилпоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**
 Нашриёт муҳаррири: **Н. Ниязова**
 Техник муҳаррир: **М. Юсупов**
 Лицензия № 02-0074
 Босишга рухсат этилди – 29.07.2015
 Нашриёт ҳисоб табоғи – 6
 «IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди
 Адади – 100 нуска.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ**

2/2015

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ

Г.Маликова Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг мулкий асослари	5
З.Амиров Оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқий тарбия	8
Н.Хайриёв Қадимги юнон дсэллатида судда ишларни юритишни ташкил этишининг тарихий-ҳуқуқий асослари: илмий-назарий таҳлил	10
Д.Холманова Қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик экспертизасининг ўрни ва аҳамияти	13
ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ	
В.Эргашев, Н.Имомов Кўчмас мулк тушунчаси ва ҳуқуқий режимига умумий тавсиф	15
З.Эсанова Фуқаролик процессуал ҳуқуқида процессуал муддатлар институтини янада такомиллаштириш зарурати	20
И.Рустамбеков Инновацияларни тижоратлашувини ҳуқуқий тартибга солишга доир умумий масалалар	22
А.Аманов Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида ахборотнинг моҳияти ва аҳамияти	24
Р.Хусаинова Энергия таъминоти шартномасининг ҳуқуқий табиати	28
Т.Мадумаров Ўзбекистонда микроолиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари: амалдаги ҳолат ва такомиллаштириш истиқболлари	31
О.Холмунинов Ер ва бошқа табиий ресурсларга мулк ҳуқуқи масалалари	34
ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ	
Н.Салаев Жиноятчиликни олдини олишда озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазоларни қўллашнинг долзарб муаммолари	38
М.Уразолиев Вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга доир жиноят қонунчилигини такомиллаштириш масалалари	41
Ж.Абдурахмонхўжаев Айрим хорижий мамлакатларда судьялар корпусини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	43
Л.Тон Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида ҳимоячининг далилларни тўплашда иштирок этишининг истиқболлари	46
Д.Камалова Жиноятга тайёргарлик кўришининг объектив белгилари	50
Ф.Маликов Совершенствование стадии постановления приговор по судебному разбирательству в первой инстанции	53
Н.Рамазанова Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар	55
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР	
М.Гасанов, Г.Саримсакова Дам олиш ҳуқуқи: миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар	58
А.Мухаммеджанов Замонавий дунёда Шанхай ҳамкорлик ташкилотини роли ва таъсирини ўсиши (Ҳиндистон ва Покистон мисолида)	63
Б.Мусаев Халқаро меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили	65
Х.Абдурахманова Турли ҳуқуқий тизимдаги мамлакатлар қонунчилигида ота-онанинг шахсий номлуқий ҳуқуқ ва мажбуриятларининг моддий-ҳуқуқий асослари	69
С.Мусаев Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларининг мазмуни	73
ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ	
Х.Азизов, М.Бердиқулов Тадбиркорлик фаолияти қонунчилигини такомиллаштиришда корпоратив бошқарув кодексининг роли	75
Н.Райимов Хусусий мулкни ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари	78

4. Один из методов экологизации относится к сфере применения норм права, другой – к их созданию.

Особенность первого метода заключается в том, что путем применения права экологизируется не сама норма того или иного закона, а то правоотношение, которое возникает в процессе ее выполнения.

Суть второго метода экологизации законодательства заключается в создании новых правовых норм или технико-экономических нормативов путем включения в ткань их материи эколого-правовых постулатов. Данный метод является основным в экологизации законодательства. Объектами такого экологического воздействия являются различные отрасли законодательства и, прежде всего, те, которые регулируют хозяйственную деятельность.

Таким образом, определение и развитие содержания права собственности на землю и другие природные объекты, экологизация законодательства поможет рационально использовать и охранять земельные и другие природные объекты, в частности, земельные участки в условиях рыночной экономики.

Список литературы:

1. Гражданский кодекс Республики Узбекистан, Тошкент: Адолат, 2014.
2. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2014 г., № 2, ст. 19, № 23, ст. 269, № 46, ст. 551; 2015 г., № 1, ст. 9
3. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2014 г., № 2, ст. 19, № 23, ст. 269, № 46, ст. 551; 2015 г., № 1, ст. 9
4. Рахмонкулов Х.Р. Основные направления развития гражданского законодательства Республики Узбекистан. 10 лет Гражданскому кодексу Узбекистана: опыт и перспективы развития. //Материалы Международной научно-практической конференции. 27-28 ноября 2007 года. Т., 2008. С.5-10.
5. Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1998 г. № 5-6.
6. Конституция Республики Узбекистан. Тошкент, 2014
7. Ведомости Олий Кенгаша Республики Узбекистан, 1993. №1, ст.38.
8. Караходжаева Д.М. Природные ресурсы как объекты Гражданского права. //Материалы научно-практической конференции «Экологик қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари», -Т., 2004. ТДЮИ, 178-180 б.
9. Халмуминов Ж.Т. Правовые вопросы экологии и охраны окружающей среды. Монография. – Тошкент: ТГЮУ, 2014. – С. 260.

Н.С.Салаев

“Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия”
кафедраси доц. в.б., ю.ф.н

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШГА МУҚОБИЛ БЎЛГАН ЖАЗОЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Аннотация: мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олишда озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазоларни қўллашнинг долзарб муаммоларига бағишланган.

Калит сўзлар: жиноят, жазо, озодликдан маҳрум қилиш, олдини олиш, муқобил.

Аннотация: данная статья посвящена актуальным проблемам применения альтернативных лишению свободы наказаний при предупреждении преступности в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: преступление, наказание, лишение свободы, предупреждение, альтернативные наказания.

Annotation: This article is devoted to actual problems of application alternatives to imprisonment sentences in the prevention of crime.

Key words: crime, punishment, imprisonment, prevention, alternative.

Кишилик жамияти ривожининг турли босқичларида ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олишга оид “жиноят учун жазо тайинлашдан кўра, уни олдини олиш маъқулроқ”, “ҳар қандай ҳокимият жиноят учун жазо белгилаши эмас, балки жиноятчиликни олдини олиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоғи лозим”, “жиноятчиликни олдини олиш – ҳақиқий юриспруденция” [1, 184-бет.] каби асосли хулосаларни учратиш мумкин. Дарҳақиқат, жиноятчиликнинг олдини олиш масаласи миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда шахс, жамият ва давлат ҳаётининг энг долзарб муаммоларидан бири сифатида қараб келинган. Сўнгги йилларда жиноят ҳуқуқи мутахассислари ва амалиётчилар ўртасида “Шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазолар қайд этилган принципга (жазолаш эмас, олдини олиш) қай даражада мос келади?”, деган асосли савол туғилмоқда. Зотан, а) жазолаш орқали инсонни юқори даражада нормал ҳаётий шароитларга мослаштиришни мақсад қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси шахсни жамиятдан бутунлай ажратиб қўяди; б) жазо жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялашни, у ва бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олишни мақсад қилиб қўйган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси уларни бошқа жиноятчилар гуруҳига қўшиб қўяди, бу эса, уларда ўзаро “тажриба” алмашиш имконини яратади; в) жазо жиноят содир этган шахсларни ижтимоий фойдали меҳнат қилишга ўргатишни мақсад қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси уни эркин ҳаётдан бутунлай узоқ бўлган муҳитга жойлаштиради, натижада озодликка чиққанидан кейин шахсда янги ҳаётда бир қанча муаммолар туғилади (масалан, ўзига мос иш топиб ишлаш, оилавий муаммоларни бартараф этиш, спиртли ичимликларга ружу қўймаслик ва ҳоказо),

бошқача айтганда, маҳкумни пассив ҳаёт тарзига ўргатиб қўяди.

Ҳозирда жаҳон мамлакатлари тажрибаси жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш тури жазонинг мақсадига эришишда самарасиз эканлигини, уларни қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларини кучайтириш ва амалда қўлланишини таъминлаш лозимлигини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Мамлакатимизда жиноий жазо тизимига озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазо турларини киритиш, қонунни қўллаш амалиётида шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган, муқобил жазоларни қўллаш имкониятларини кенгайтириш лозим. Зотан, озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазолар жиноят қонунини либераллаштиришда инсон ҳуқуқларини таъминловчи муҳим мезон бўлиб, уларни қўллаш шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш, иқтисодий маънода – давлат бюджетидagi маблағларни тежаш, ижтимоий маънода – озодликдан маҳрум этиш муассасаларидagi шарт-шароитнинг маҳкумга салбий таъсирининг олдини олиш имконини беради. Ўз навбатида, миллий қонунчилигимизда муқобил жазоларнинг кенг жорий этилиши халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган ҳолда ва тамойилларига мос бўлиб, миллий сиёсатнинг халқаро-ҳуқуқий сиёсат билан ўзаро ҳамоҳанглигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу борада қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ, **жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича: биринчидан**, жиноят қонуни принципларига мувофиқлиги нуқтаи назардан жазонинг мақсадига оид нормаларни, жазонинг мақсадига эришиш нуқтаи назардан муайян жиноят учун белгиланган санкцияларни қайта кўриб чиқиш лозим. Зотан, ҳар қандай ҳуқуқбузарликни жиноят сифатида баҳолаб, унга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий воситаларини излашга уриниш мутлақо нотўғридир. Чунки, ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ушбу воситалар ҳар доим ҳам самара беравермайди. Ундан ташқари, жуда кўплаб ҳолатларда бундай масалаларни ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, масалан, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи доирасида ҳам ҳал этиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўриш зарур.

Жиноят кодексининг асосий вазифаси содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш эмас, ҳаттоки жиноий жазонинг мақсади ҳам, сўзнинг ўз маъносиди, жиноят содир этган шахсни жазолаш эмас. ЖК 42-моддаси иккинчи қисмида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади, деб белгиланган.

Шундай экан, жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида жиноят қонунчилигида жазолаш элементларининг тобора қисқартирилиши, уларнинг тарбиявий тусдаги чораларга айлантирилиши, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг камроқ тайинланиши ва қонунийлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги ва одиллик

принциплари асосида жиноий жавобгарликнинг енгиллаштирилишида ифодаланиши лозим. Жиноят қонунининг инсонпарварлашуви, давлатчилик ривожининг асосий принципларидан бири бўлиб, жамиятнинг ички ва ташқи хавфсизлиги, тартиботига таҳдид солувчи жиноятларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги ва шавқатсиз жазо чораларини қўлланилиши объектив равишда муайян жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитдан келиб чиқади. Давлатимиз инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, эркин ва обод фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бориб, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ислохотлар дадил амалга оширилиб келинмоқда. Шу қаторда жиноятчиликка кураш соҳасида турли репрессив таъқиб усулларидан воз кечилиб, жиноятчиликнинг олдини олишда самарали бўлган, инсон онгига тез, самарали ҳамда ижобий таъсир этувчи иқтисодий санкцияларни қўллаш, жамоатчилик назорати каби институтлардан янада кенгроқ фойдаланилиши лозим.

Иккинчидан, халқаро ва минтақавий ҳужжатларда белгиланган қоидаларнинг Ўзбекистон жиноят қонунчилигига имплементация қилиш ва халқаро ҳужжатларга мослаштирилиши лозим. Жумладан, Европа Кенгашининг 1976 йил 9 мартдаги "Озодликдан маҳрум этишга муқобил айрим жазолар тўғрисида"ги резолюциясида ҳам унинг барча аъзо-иштирокчиларига "озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган ҳукмлар чиқаришдан улардаги табиий камчиликлар юзасидан ҳам, шунингдек, шахсий эркинликка ҳурмат ва ушбу жараён жамият учун хавфнинг ортисиз давом этишига ишонч нуқтаи назаридан тийилиш, жарималардан кенг фойдаланиш ва жариманинг судланувчининг моддий аҳволига мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек, жарима жазоси тайинланишидан хавфсирашга эришиш" [2.] тавсия этилган.

Учинчидан, белгиланган мақсадларга эришишда хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш зарурати мавжуд. Бу орқали мамлакатда жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортишнинг энг самарали механизмларини жорий этиш имкони яратилади. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар жиноят ҳуқуқи ва пенитенциар ҳуқуқ институтларининг ривожланиш даражасини солиштириш, миллий ҳуқуқ ижодкорлиги ва қонунни қўллаш тизимларининг хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога муқобил жазоларни кенг жорий этиш зарурлигини кўрсатади. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига назар соладиган бўлсак, уларда ҳам ушбу жазонинг озодликдан маҳрум этишга нисбатан кенг қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, Япония, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Швейцарияда: 1) келишув ёки ярашув; 2) гаров эҳтиёт чораси; 3) молиявий жазо чоралари кўпроқ қўлланилмоқда. Шу билан бирга ривожланган давлатларда биринчи марта жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо чораси, камдан-кам ҳолларда қўлланилади [3, 36-бет.].

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасида озодликдан маҳрум этишга муқобил жазо сифатида уй қамоғи жазо чорасини миллий қонунчилигимизга жорий этиш масаласини ўйлаш вақти келди. Зеро, уй қамоғи ҳозирги вақтда қамоқ жазосига, айниқса муқобил жазо ҳисобланади, чунки у озодликдан маҳрум қилишнинг

ҳуқуқбузарни ташқи дунёдан ажратиш функциясини бажариши мумкин. Уй қамоғининг аҳамияти шу билан белгиланадики, у айбдорнинг ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш вазифаларини қамоқ жазоси билан боғлиқ муаммолар мажмуисиз ҳал қилиш имконини беради. Уй қамоғи маълум молиявий харажатлар (шахснинг маълум чегараланган ҳудуддан чиқмаслигини назорат қилувчи ускуна ва ҳ.к. қурилмалар учун) талаб қилиши мумкин бўлса-да, ушбу жазо куйидаги ижобий жиҳатлари билан ўзини оқлайди: 1) шахсни озодликдан маҳрум этиш муассасасининг салбий муҳитидан муҳофаза қилади; 2) шахсни жамиятдан буткул айримаслиги боис, жазони ўтаб бўлгач, унинг ижтимоий ҳаётга мослашишини осонлаштиради; 3) давлатни маҳкумларни сақлаш учун сарфлайдиган харажатлардан озод қилади ва б.қ. Шу сабабдан, ҳам мазкур жазо тури озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазо тури сифатида АҚШ ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади.

Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар бўйича: жиноий жазолар самарадорлигини ошириш, жиноятчини ахлоқан тузатиш борасида муваффақиятга эришиш мақсадида ҳамда хорижий мамлакатлар ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда махсус марказлар ва реабилитация уйлари ташкил этиш ҳамда давлат дастурлари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Концептуал муаммолар. Озодликдан маҳрум қилиш тартибидоғидаги жазога муқобил бўлган жазоларни қўллашнинг янги механизмларини жорий этиш амалдаги жиноят-ҳуқуқий сиёсат билан бир қаторда жиноят-процессуал ва пенитенциар сиёсатга ҳам жиддий тузатишлар киритишни тақозо этади. Жумладан, АҚШ, Европа, Осиё ва Африкадаги баъзи давлатларда аксарият муқобил жазоларни ижро этувчи махсус органлар – пробацция хизматлари ташкил этилган [4, 109-бет.]. Полицияга ҳам, жазони ижро этиш бошқармаларига ҳам бўйсунмайдиган, айрим мамлакатларда жамоат ташкилоти мақомига эга бўлган бу давлат идорасига муқобил жазоларнинг чет элда, айниқса, кенг тарқалган турларидан бири – АҚШда вужудга келган пробацция номи билан аталади. АҚШнинг айрим штатларида пробацция хизмати муқобил жазоларни ижро этувчи мустақил идора ҳисобланади. У судларга ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бўйсунди [5, 107-бет.].

Хулоса қилиб айтганда, ўз навбатида, жиноий жазони либераллаштириш ўта нозик ва мураккаб жараён бўлиб, унга ниҳоятда оқилона ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб этилади. Бунда жазонинг тарбияловчи функцияси сусайиб кетмаслиги, айрим муҳим ижтимоий муносабатлар жиноят-ҳуқуқий муҳофазасиз қолиб кетмаслиги албатта эътиборга олинishi керак. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг аҳамиятини белгилаб берувчи айрим омиллар мавжудлиги туфайли унга бўлган доимий эҳтиёж сақланиб қолмоқда. Алоҳида тоифадаги жиноятчилар, масалан ўта оғир жиноятни содир этганлар ёки рецидивистлар озодликда қолиши мумкин эмас, чунки улар одамларга ёмонлик қилишда давом этиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Беккариа Ч. О преступлениях и наказаниях / Сост. и предисл. В.С. Овчинского. — М.: ИНФРА-М. 2004. — С.184.
2. www.hri.ru
3. Оқюлов О. Жиноятга оид қонунларни либераллаштиришнинг моҳияти. // Ж. Қонун ҳимоясида. 2005 йил сентябр. №09(117). — Б. 36.
4. Поздняков В.М. Пенитенциарные системы зарубежных стран. М., 2000.
5. Уголовное право буржуазных стран: Общая часть. Сборник законодательных актов / Под ред. А.Н.Игнатова, И.Д.Козочкина. — М.: Изд. УДН, 1990. — С.107.